

## Жисмоний тарбия фанидан тест

### 1-вариант

1. «Ўзбекистон ифтихорлари» фахрий унвони қачон таъсис этилган?
  - А) 1998 йил;
  - В) 1996 йил;
  - С) 2000 йил;
  - Д) 2001 йил.
2. 1999 йилда «Ўзбекистон ифтихорлари» фахрий унвонини олган спортчилар кимлар?
  - А) Гранаткин, Ф.Хўжаев, Г.Дадажонов, Ақобир Анваров;
  - В) БА.Қурбонов, К.Муродов, Э.Қуттибоев, У.Ҳайдаров, Т.Турғунов;
  - С) М.Қўчқоров, А. Анваров, Ф.Йўлдошева, Х.Мирзаев, Р.Аҳмедов;
  - Д) М.Мансуров, Ш.Зоиров, Т.Солиҳов, С.Нурматов, Т.Мансуров.
3. Бокс спорт тури биринчи бўлиб қайси давлатда ташкил топган?
  - А) АҚШда;
  - В) Бразилияда;
  - С) Англияда;
  - Д) Россияда.
4. Ўзбекистоннинг дзюдо бўйича 2000 йилги энг кучли спортчиси ким?
  - А) А.Мухторов;
  - В) Р.Казаков;
  - С) А.Тангриев;
  - Д) М.Турдалиев.
5. Самбо сўзи қайси тилдан олинган ва унинг маъноси нима?
  - А) Инглизча сўздан олинган бўлиб “ ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ” деган маънони англатади
  - В) юнонча сўздан олинган бўлиб “қуролсиз ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ” деган маънони англатади
  - С) Французча сўздан олинган бўлиб “курашаман” деган маънони англатади.
  - Д) Русча сўздан олинган бўлиб “қуролсиз ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ” деган маънони англатади.
6. Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати қачон ва қаерда ўтказилган ?
  - А) 1999 йил май ойида Тошкент шаҳрида;
  - В) 1999 йил апрел ойида Туркияда;
  - С) 2000 йил Қозоғистонда;
  - Д) 2000 йил Бразилияда.
7. Ўзбекистоннинг кураш бўйича XX асрдаги энг буюк спортчилари кимлар?
  - А) Р.Аблаев, Ф.Керимов, Р.Нуршин, С.Андиёв
  - В)А.Таймазов, А.Фадзаев, М.Хадарцев, Р.Казаков
  - С) К.Тўлаганов, К.Каюмов, С.Ҳадиев, А.Маъсудов;
  - Д) М.Абдаев, Р.Исломов, М.Мансуров, А.Яҳяев.
8. Ўзбекистоннинг бокс бўйича XX асрдаги энг буюк спортчилари:
  - А) М.Абдуллаев, А.Григорян, С.Михайлов, Р.Рисқиев, Р.Саидов, К.Тўлаганов;
  - В) М.Қўчқоров, Л.Зокиров, Ш.Зокиров, Э.Қуттибоев;
  - С) Т.Тожиев, Ш.Хўжаев, Б.Гранаткин, Р.Рисқиев;
  - Д) М.Маршаев, Х.Мирзаев, Ш.Хусанов, Т.Туляков, Р.Чагаев.

9. Ўзбекистоннинг волейбол бўйича XX асрдаги энг буюк спортчиси ким?
- A) Вера Дуюнова;
  - B) Лариса Павлова;
  - C) Ю.Абдуллаева;
  - D) М.Тоирова.
10. VI ёзги олимпиада ўйинлари қачон, қаерда ўтказилди?
- A) 1914 йил 19 август Варшавада;
  - B) 1915 йил 15 май Парижда;
  - C) 1916 йилги уруш сабабли ўтказилмади;
  - D) 1913 йил 21 сентябр Атлантада.
11. Гимнастика сўзининг маъноси нима?
- A) машқ қиламан ва машқ қилдираман деган маънони англатади;
  - B) енгил ҳаракат қиламан деган маънони англатади;
  - C) бадан тарбия қиламан деган маънони англатади;
  - D) югураман, сакрайман деган маънони англатади;
12. Ёзги олимпиада ўйинлари неча кун давом этади?
- A) 12 кун;
  - B) 10 кун;
  - C) 15 кун;
  - D) 18 кун.
13. Қишки олимпиада ўйинлари неча кун давом этади?
- A) 10 кун;
  - B) 8 кун;
  - C) 12 кун;
  - D) 15 кун.
14. Бешта қитъа спортчилари биринчи марта қайси олимпия ўйинларидан бошлаб қатнаша бошладилар?
- A) 1908 й. IV олимпия ўйинлари, Лондон;
  - B) 1904 й. III олимпия ўйинлари, Сент Луис;
  - C) 1912 й. V олимпия ўйинлари, Стокгольм;
  - D) 1900 й. II олимпия ўйинлари, Париж.
15. Ўзбекистон терма жамоаси XVI ёзги олимпиада ўйинларида нечанчи ўринни эгаллади?
- A) 82-ўринни.
  - B) 24-ўринни;
  - C) 38-ўринни;
  - D) 58-ўринни;

## 2-вариант

1. Бокс бўйича ўзбекистонлик биринчи жаҳон чемпиони ким?
  - А) Р.Рискиев;
  - В) У.Ҳайдаров;
  - С) Р.Чагаев;
  - Д) Т.Ғуломов.
2. Ўзбекистонлик қайси спортчи қишки олимпия ўйинлари чемпиони бўлган?
  - А) Л.Черязова;
  - В) Т.Бабур;
  - С) Ю.Абдуллаева;
  - Д) А.Малихина.
3. Олимпия ўйинлари неча йилда ўтказилади?
  - А) 3 йилда;
  - В) 4 йилда;
  - С) 5 йилда;
  - Д) 6 йилда.
4. Замонавий олимпия ўйинлари ташаббускори ким?
  - А) У.Слоун;
  - В) Д.Викелас;
  - С) Пьер де Кубертен;
  - Д) Л.Кафф.
5. XXII ёзги олимпиада ўйинлари қачон, қаерда ўтказилган?
  - А) 1980 йил 19 июл СССР, Москвада;
  - В) 1978 йил 15 октябр АҚШ, Сент Луисда;
  - С) 1975 йил 10 май Швеция, Стокгольмда;
  - Д) 1981 йил 12 август Польша, Варшавада.
6. Сузиш усули:
  - А) Баттерфляй;
  - В) Бодибилдинг;
  - С) Гольф;
  - Д) Футбол.
7. Кичик мактаб ёшдагилар неча соат ухлаши керак?
  - А) 5-6 соат.
  - В) 7-8 соат;
  - С) 11-12 соат;
  - Д) 9-10 соат;
8. Мактаб ўқувчиси қайси ёшда катта ёшдагилар каби чаққон бўлади?
  - А) 10-13 ёш;
  - В) 13-15 ёш;
  - С) 15-17 ёш;
  - Д) 9-10 ёш.

9. Ётишдан неча соат олдин овқатланиш лозим?

- А) 2 соат олдин;
- В) 30 дақиқа олдин;
- С) 1 соат олдин;
- Д) 4 соат олдин.

10. Ўзбекистон байроғи ва гербини Эверест чўққисига биринчи бўлиб ўрнатган спортчи ким?

- А) Р.Ражабов;
- В) М.Бобур;
- С) М.Рацек;
- Д) Р.Холмухамедов.

11. Ўзбекистон Республикаси шахматчилари ўртасида биринчи жаҳон чемпиони унвонига сазавор бўлган спортчи ким?

- А) Д.Қаюмов.
- В) С.Юлдошев;
- С) М.Муҳиддинов;
- Д) Р.Қосимжонов;

12. Ўзбекистон терма жамоаси XXVIII ёзги олимпиада ўйинларида неча медални қўлга киритди?

- А) 5 та;
- В) 10 та;
- С) 8 та;
- Д) 12 та;

13. Ўзбекистон терма жамоаси XXVIII ёзги олимпиада ўйинларида нечанчи ўринни эгаллади?

- А) 45 -ўринни;
- В) 59 -ўринни;
- С) 24- ўринни;
- Д) 18- ўринни.

14. Ўзбекистонлик XXVIII ёзги олимпия ўйинлари чемпионлари кимлар?

- А) А. Доктурашвили, А. Таймазов;
- В) Ғ. Абдуллаев, Б. Файзиев;
- С) Р. Саидов, С. Юсупов;
- Д) Д. Орипов, Д. Мансуров.

15. XXV ёзги олимпиада ўйинлари қачон, қаерда ўтказилди?

- А) АҚШ, Сент-Луис, 1978 йил 15 октябрда;
- В) Испания, Барселона, 1992 йилда;
- С) Швеция, Стокгольм, 1975 йил 10 майда;
- Д) Польша, Варшава, 1981 йил 12 августда.

### 3-вариант

1. XXIII ёзги олимпиада ўйинлари қачон, қерда ўтказилди?
  - А) АҚШ, Лос-Анжелс 1984 йил 24 июлда;
  - В) Англия, Лондон, 1982 йил 1 мартда;
  - С) Греция, Афина, 1981 йил 5 апрелда;
  - Д) Ўзбекистон, Тошкент, 1985 йил 5 сентябрда.
  
2. XXIV ёзги олимпиада ўйинлари қачон, қерда ўтказилди?
  - А) Италия, Римда, 1989 йил;
  - В) Бразилия, Рио де Жанейрода, 1986 йил;
  - С) Жанубий Кореяда, 1988 йил;
  - Д) Япония, Токиода, 1990 йил.
  
3. Замонавий VI, XII ва XIII ёзги олимпиада ўйинлари нима сабабдан ўтказилмади?
  - А) I ва II жаҳон урушлари бўлганлиги сабабли;
  - В) Турли давлатларнинг бир-бирлари билан келишаолмаслиги туфайли;
  - С) Кўпчилик давлатларнинг олимпиада ўйинларидан бош тортиши туфайли;
  - Д) Олимпиада ўтказиладиган давлатнинг олимпиада ўйинлари ўтказишдан бош тортиши сабабли.
  
4. Футбол бўйича XXVII жаҳон чемпиони қайси давлат ҳисобланади?
  - А) Туркия
  - В) Германия;
  - С) Корея;
  - Д) Бразилия;
  
5. 2008 йилда «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонини олган спортчилар қайси қаторда тўғри кўрсатилган?
  - А) А.Тангриев, Е.Холко.
  - В) Д.Мансуров, Р.Собиров, О.Юсупов
  - С) О.Назарбеков, Ш.Қаюмов
  - Д) А.Имомхўжаев, А.Таймазов
  
6. XXVII ёзги олимпиада ўйинлари қачон қерда ўтказилди?
  - А) Барселония, Испания. 1992 йил 25 июл
  - В) Атланта. АҚШ. 1996 йил 19 апрел
  - С) Сидней. Австралия. 2000 йил 16 сентябр
  - Д) Сеул, Жанубий Корея. 1988 йил 17 сентябр
  
7. “Умид ниҳоллари” спорт мусобақаси 2009 йил қерда ўтказилган?
  - А) Гулистон, сирдарё вилояти.
  - В) Нукус, Қорақалпоғистон Республикаси
  - С) Урганч, Хоразм вилояти
  - Д) Термиз, Сурхондарё вилояти.
  
8. Ўзбекистон республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлар кенгаши раиси ким?
  - А) А.Очилов
  - В) И.Каримов
  - С) Ғ.Шоумаров
  - Д) Ш.Мирзиёев.

9. Ўзбекистон Республикаси «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири қачон қабул қилинган?
- А) 1991 йил 26 октябр;
  - В) 1994 йил 10 мартда;
  - С) 2015 йил 04 сентябр;
  - Д) 2000 йил 26 май;
10. Ўзбекистон республикаси «Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарори қачон қабул қилинган?
- А) 1999 йил 27 майда;
  - В) 1997 йил 10 декабрда;
  - С) 1998 йил 5 июлда;
  - Д) 2000 йил 25 мартда;
11. Жисмоний тарбияда ҳаракат фаолиятининг синфдан ташқари шакллари қандай бўлади?
- А) спорт секциялари, тўғарақлар, ўқувчиларнинг қизиқишига қараб очилган тўғарақлар;
  - В) байрамлар, мусобақалар, ўртоқлик урашувлари;
  - С) қувноқ стартлар, сакровчилар куни, улоқтирувчи куни;
  - Д) тўғарақлар махсус тиббий гуруҳи, УЖТ;
12. Марафон югуриш масофаси қанча деб белгиланган?
- А) 10000 м;
  - В) 45км, 190 м.;
  - С) 40 км 150 м
  - Д) 42 км 195 м.
13. Ўзбекистон “Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги фармон қачон қабул этилган?
- А) 2003 йил 10 майда;
  - В) 2002 йил 31 октябрда;
  - С) 2002 йил 24 октябрда;
  - Д) 2003 йил 15 ноябрда;
14. Аҳоли турли тоифаларининг жисмоний камолат даражасини аниқлаш учун қандай меъёрлар ишлаб чиқилган?
- А) «Алпомиш» ва «Барчиной»;
  - В) «Умид ниҳоллари»;
  - С) «Фарҳод ва Ширин»;
  - Д) «Зайнаб ва Омон»;
15. Умумий ўрта таълимнинг ДТС қачон тасдиқланган?
- А) 1998 йил 15 мартда;
  - В) 1999 йил 16 августда;
  - С) 2000 йил 11 ноябрда;
  - Д) 2001 йил 21 ноябрда;

**ТЎҒРИ ЖАВОБЛАР КАЛИТИ:**

**1-вариант**

<b>савол</b>	<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>7</b>	<b>8</b>	<b>9</b>	<b>10</b>	<b>11</b>	<b>12</b>	<b>13</b>	<b>14</b>	<b>15</b>
<b>жавоб</b>	<b>A</b>	<b>B</b>	<b>C</b>	<b>A</b>	<b>Д</b>	<b>A</b>	<b>B</b>	<b>A</b>	<b>A</b>	<b>C</b>	<b>A</b>	<b>C</b>	<b>A</b>	<b>A</b>	<b>Д</b>

**2-вариант**

<b>савол</b>	<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>7</b>	<b>8</b>	<b>9</b>	<b>10</b>	<b>11</b>	<b>12</b>	<b>13</b>	<b>14</b>	<b>15</b>
<b>жавоб</b>	<b>A</b>	<b>B</b>	<b>B</b>	<b>C</b>	<b>A</b>	<b>A</b>	<b>Д</b>	<b>A</b>	<b>C</b>	<b>A</b>	<b>Д</b>	<b>A</b>	<b>C</b>	<b>A</b>	<b>B</b>

**3-вариант**

<b>савол</b>	<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>7</b>	<b>8</b>	<b>9</b>	<b>10</b>	<b>11</b>	<b>12</b>	<b>13</b>	<b>14</b>	<b>15</b>
<b>жавоб</b>	<b>A</b>	<b>C</b>	<b>A</b>	<b>Д</b>	<b>A</b>	<b>C</b>	<b>A</b>	<b>B</b>	<b>C</b>	<b>A</b>	<b>A</b>	<b>Д</b>	<b>C</b>	<b>A</b>	<b>B</b>